

**Ш. А. РАХИМОВА**

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЁШЛАРДА АҲБОРОт АЛМАШИНУВ МАДАНИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНГАНЛИК ҲОЛАТИ

This article evaluates the level of information exchange condition among our country's youth in the information society, these sociological research results are conducted amongst students in the higher education system.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш хозирда энг долзарб масалалардан бири бўлиб, у ўз ичига ёшларнинг алоҳида ижтимоий реаллик сифатида мавжудлигини, ёш билан боғлиқ психологик хусусиятларини, ижтимоийлаштириш моделларини, тарбия ва таълим беришнинг социологик муаммоларини, ҳаётий қадриятларни ва яна бир қатор бошқа жиҳатларни олади. Аҳборот тараққиётининг жадал суръатлари ёшларнинг ижтимоий йўналишларига, анъанавий қадриятларни қайта баҳолашга таъсир қилмасдан қолмади. Ўзбекистон ёшларининг маънавий дунёси қарор топиши нафақат ёш авлоднинг, балки умуман бутун Ўзбекистон жамиятининг ҳаёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Қатъий ҳаётий йўналиш ва ўз ҳаётий стратегияларини ишлаб чиқиши ҳозирги мураккаб дунёда ёшлар мослашувининг зарур шартларидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида, “Бугунги дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг ийрик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гояси “вируси” тарқалишининг олдини олишдир” [1] – деб таъкидлайди.

Технологик тарроқиёт шиддат билан давом этиши ижтимоий муносабатларда фундаментал

ўзгаришларга олиб келди. Электрон мулоқотнинг шахсиз оғзаки коммуникациядан асосий фарқи техник воситанинг билвоситалигида эмас, балки электрон хотира билан мулоқот қилиш имкониятлари кенгайланлигида ифодаланган. “Инсон – ЭҲМ” диалоги электрон коммуникациянинг тўғридан-тўғри ёки ҳужжат орқали амалга ошириладиган “инсон – инсон” шаклидаги коммуникациядан фарқланади. Компьютер саҳифаси мазмунининг ўзгарувчанлиги ва мобиллиги ёшларни мулоқотга чорлайди.

Маълумотлар базалари, билимлар базалари ва эксперт тизимлари билан таъминланган глобал электрон мулоқотнинг катта сифимилилиги принципиал аҳамиятга эга. Шундай килиб, электрон мулоқот пародаксал тарзда ижтимоий-маданий диапазонни кенгайтиради.

Аҳборот алмашиш маданиятининг мавжудлиги ёшлар орасида мағкуравий бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, шунингдек уларда мағкуравий иммунитет ва дунёқарашни шакллантириш, Интернет тармоқларининг глобал имкониятларидан фойдаланиб, мустақил фикрлаш кўнимкамларини ҳосил қилишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Жумладан, бир қатор муаммолар глобаллашув ва аҳборот оқимларининг тезлашиш туфайли пайдо бўлган. Айнан аҳборот алмашинуви турли давлатларнинг, шу қаторда Ўзбекистон аҳолисининг дунёқарashi ва жамоатчилик фикри шаклланишида аҳборот кураши учун полигон бўлган. Бу молиявий ва замонавий тех-

Рахимова Шахноза Анваровна – Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент аҳборот технологиялари университети “Аҳборот кутубхона тизимлари” кафедраси асистенти



ник воситалардан фойдаланган ҳолда оммавий онгни эгаллаб олишга қаратилган мафкура ва foяларнинг кучайиши ҳамда ахборот оқимларини бошқариш хисобидан амалга оширилади.

Коммуникацион технологияларнинг сўнгги йилларда тез-тез ўзгариб турадиган энг сўнгги авлодларига ҳар доим “ташна” бўлиб яшайдиган социал қатлам – ёшлар эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳар бир коммуникацион авлод ўзгариши уларнинг тафаккур ва турмуш тарзida янгидан-янги ноаниқликларни келтириб чиқараверади [2].

Бундай таҳдидлардан ҳимояланиш учун аввало ёш авлод орасида ахборот алмашиб маданиятини юкори даражада шакллантириш муҳим ўрин тутади. Ушбу ахборот алмашиб маданияти жамият тизими, биринчи навбатда Ўзбекистон халқлари менталитетидан энг яхши хусусиятларини, миллий ва умумбашарий қадриятлар, замонавий цивилизация ютуқларини акс эттирувчи маданий ва ахлоқий асосларни сақлаш соҳасида барқарорликни қўллаб-қувватлашга қодир. Бунинг ҳаммаси Ўзбекистон ёшлари орасида ахборот алмашиб маданиятининг реал ҳолатини илмий ўрганиш социологик усууллар асосида мамлакатимиз ёшларини ахлоқан ва

маънан соғлом қилиб тарбиялаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳаётий зарурат эканлигидан далолат беради.

Олий маълумотли ёшлар Ўзбекистондаги ижтимоий-иктисодий ислохотларнинг асосий стратегик заҳираси ҳисобланади, уларсиз жамиятни юксалтиришнинг имконияти йўқ. Айнан шу сабабли мамлакатни модернизация қилиш йўлида мураккаб, кенг миқёсли вазифаларни хал этишга қодир бўлган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини тайёрлаш, замонавий демократик жамият қуришнинг устувор вазифаларидан бири сифатида илгари сурилмоқда.

Жамиятимиз ёшлари ахборот алмашинуви маданиятининг шаклланганлик даражасини ўрганиш мақсадида “Ахборотлашган жамиятда ёшлар (олий ўқув юртлари талабалари миссолида) ўртасида ахборот алмашинуви маданиятининг шаклланиши” мавзуи бўйича Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба ёшлар ўртасида социологик тадқиқот ўтказилди.

Тадқиқот З та институт: Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти, Тошкент педи-

Тошкент шаҳридаги социологик тадқиқотда иштрок этган олий таълим муассасаларининг талабалари бўйича маълумотлар


№	ОТМ номи	Жами талабалар сони	эркак	аёл	шу жумладан				Тадқиқотда иштрок этган талабаларнинг ўртача ёш кўрсаткичи
					I курс	II курс	III курс	IV курс	
1	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	99	56	43	99	0	0	0	18-27 ёшгача
2	Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти	97	64	33	69	12	16	0	18-31 ёшгача
3	Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институтида	118	92	26	5	69	43	1	18-32 ёшгача
4	Мухаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети	100	52	48	16	18	21	45	18-27 ёшгача
5	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	102	12	90	61	0	27	14	18-33 ёшгача
6	Тошкент Давлат аграр университети	100	78	22	40	19	33	8	19-28 ёшгача
7	Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети	99	25	74	44	45	8	2	18-23 ёшгача
Жами:		715	379	336	334	163	148	70	

атрия тиббиёт институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида ҳамда 4 та университет: Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг Самарқанд, Фарғона, Урганч, Нукус, Қарши филиалларида, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида 18 ёшдан 33 ёшгacha бўлган талабалар иштирокида ўтказилди.

Ушбу социологик тадқиқотга турли соҳалар (медицина, педагогика, қишлоқ хўжалиги, техника, тилшунослик ва санъат) бўйича талаба ёшлар жалб қилинган бўлиб, улар тадқиқот жараёнида фаол иштрок этдилар.

Тошкент шахри ва вилоятларда таълим олаётган Олий ўқув юртларидағи талабаларнинг умумий сонидан (39942 та талаба, 2018 йил январь ойигача бўлган маълумот) келиб чиқиб, тадқиқот учун мўлжалланган 1400 та анкета сўровномаси саралаб олиш усули орқали тақсимланди. Шундан 1215 та анкета яроқли деб топилди. Респондентларнинг жинси бўйича тақсимоти: эркаклар – 763 киши; 63%, аёллар – 452киши; 37%. Тадқиқот натижалари EXCEL дастури ёрдамида ишлаб чиқилди.

Респондентларга дастлаб, улар учун ахборот тушунчasi нимани англатишини билиш мақсадида мурожаат этдик (1-расм). Улардан олинган жавобларни умумлаштирганимизда “бирор нарса тўғрисида маълумот” жавобида энг кўп (42,9%) респондентлар тўхталишганини кўришимиз мумкин. 26,8 % респондентлар учун ахборот тушунчasi “Оммавий ахборот восита-



ларида бериладиган маълумотлар”ни англатса, 17% учун “аҳамиятли бўлган ҳар қандай маълумотлар” ни ахборот сифатида қабул қилиниши ойдинлашди. “Воқеа-ходисаларнинг тизимли тафсилоти” ва “инсонни фаолиятида зарур бўладиган маълумотлар” жавоб вариантини деярли бир хил миқдордаги (14,3 %) респондентлар белгилашган. 5,7% сўровнома иштирокчилари “жавоб беришим қийин” жавоб вариантни билан кифояланишган.

Юқоридаги жавоблардан хуоса қиласиган бўлсак, сўровнома қатнашчилари ахборотни англаши даражаси деярли 70% позитив кўринишда эканлигинига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шу ўринда бу омил кишиларнинг ахборотни тўла англаб олиб, кейин қабул қилишига таъсир этади. Ахборот кишининг психоэмоционал ҳолатига жиддий таъсир этиши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишда ўзига хос меъёр ва қоидалар жамият модернизациялашуви давомида доимо такомиллашиб бормоғи лозим. Шу билан бирга ахборотдан гуруҳ бўлиб фойдаланиш маданиятининг янада янги шакллари пайдо бўлмоқда.

Вилоятлар кесимида социологик тадқиқотда иштирок этган олий таълим муассасаларининг талабалари бўйича маълумотлар


№	ОТМ номи	Жами талабалар сони	эркак	аёл	шу жумладан				Тадқиқотда иштирок этган талабаларнинг ўрта ёш кўрсаткичи
					I курс	II курс	III курс	IV курс	
1	ТАТУ Фарғона филиали	100	85	15	47	34	19	0	18-27 ёшгacha
2	ТАТУ Урганч филиали	100	69	31	50	14	28	8	19-28 ёшгacha
3	ТАТУ Нукус филиали	100	68	32	51	49	0	0	18-27 ёшгacha
4	ТАТУ Самарқанд филиали	100	91	9	0	4	56	40	18-27 ёшгacha
5	ТАТУ Қарши филиали	100	71	29	28	23	24	25	19-30 ёшгacha
Жами:		500	384	116	176	124	127	73	

1. Хурматли респондент, айтингчи, сизнингча ахборот тушунчаси нимани англатади?




1-расм

2. Сиз учун асосий бўлган ахборот манбанин кўрсатинг



2-расм


19. Сиз қандай воситалар орқали интернет тармоғи хизматидан фойдаланасиз?



3-расм

3. Сиз олган ахборотингзини дўстларингиз, яқинларингиз ёки бўлмасам ён атрофидаги одамлар билан ўртоқлашасизми?

- a) Ха, албатта
- b) Йўқ
- c) Баъзан, у қандай ахборотлигига қараб
- d) Жавоб беришим кийин



4-расм

Бундай шароитда гуруҳдаги ички муҳит ва ундаги кучлар фаолияти таъсири бошқа гурух аъзоларига ахборотни сингдириш воситаси сифатида ҳам қўлланиши мумкин.

Сўровнома иштирокчиларидан яна бир масалага ойдинлик киритиш мақсадида, ўзлари учун асосий бўлган ахборот манбасини кўрсатишни сўрадик (2-расм). Олинган жавоблардан шу нарса аниқ бўлдики, респондентларнинг деярли 53% интернет тармоғини ўзларнинг асосий ахборот манбаси деб кўрсатишган. 35,7% иштирокчilar ахборот манбаси сифатида телевиденини кўрсатишган бўлса, босма ахборот манбалари (китоб, газета, журналлар) 7,1%, радио 4,3 % респондентларнинг эътирофига сазовор бўлган.

Бу ҳолат асосан сўровномани 18–30 ёш оралиғидаги авлод вакиллари орасида ўтказганимиз учун худди шу кўрсатгичларда бўлган. Интернет тармоғи орқали маълумотлар ва ахборотлар олиш ёшлилар орасида кенг тарқалганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шунингдек, яна бир қизиқ жиҳат, атиги 2,9 % иштирокчilar ён атрофидаги одамлар улар учун асосий ахборот манбай эканини билдиришган. Бу эса табора кишилар ўзлари мустакил равишда бирор бир маълумот ёки ахборот олишга интилаётганлигидан далолат беради.

Респондентларга “Сиз олган ахборотингзини дўстларингиз, яқинларингиз ёки ён атрофидаги одамлар билан ўртоқлашасизми?” деган савол билан мурожаат этдик(3-расм). Ушбу саволга респондентларнинг 44% қатъий равишда “йўқ” деб жавоб беришган. 30% иштирокчilar “ҳа” деб жавоб беришган бўлса, 22 % и баъзан у қандай ахборотлигига қараб бошқалар билан ўртоқлашини билдиришган. Ушбу саволга

жавоб беришга 4 % респондентлар қийналишларини билдириб ўтишган.

Юқоридаги жавоблардан хуоса қиласынан бўлсақ, респондентларнинг ярми ўзаро ахборот алмашинив мухитида яшаётганлигини тўла ҳис этишларини ва бу жараён кўпинча уларнинг психоэмоционал ҳусусиятлари билан боғлик эканлигини кўришимиз мумкин.

Хозирги кунда ахборот алмашинуви жараённи ташкил этишда, интернет тармоғига етадигани йўқ. Ундан фойдаланувчилар унинг ҳар тамонлама қулайлигини ҳис этишмоқда. Шу ўринда интернет тармоғи хизматидан фойдаланишда қандай қурилма воситалар кўпроқ кўлланилаётганлигини аниқлаш ҳам катта аҳамият касб этади. Шу сабабдан биз ҳам, шу масалага ойдинлик киритиш мақсадида респондентларнинг интернет тармоғи хизматидан қайси қурилма орқали фойдаланишини сўраганимизда респондентларнинг деярли 60 % га яқини интернет тармоғига мобил қурилмалар орқали киришларини таъкидлашган. 21% респондент шахсий компьютер орқали хизматдан фойдаланса, 16% иштирокчилар турли интернет клублари хизматидан фойдаланишларини билдиришган. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 4% респондентлар интернет тармоғи хизматидан фойдаланмасликларини маълум қилишган. Респондентларнинг бу тоифасини аёллар ташкил этган.

Олинган жавоблардан шу нарса ойдинлашадики, респондентлар интернет тармоғидан фойдаланишда асосан ўзлари учун қулай бўлган воситаларни танлашади. Шунингдек, унга кетадиган сарф-харажат ва мавжуд имконият юзасидан келиб чиқиб интернет тармоғи хизматидан фойдаланишлари мумкин. Мобил қурилмалар орқали интернет тармоғидан фойдаланиш, биринчидан нисбатан арzonлиги, ҳар жойда ҳам тармокдан четда қолиб кетмасликни кафолатлаши ва ундан ёлғиз ўзи хоҳлаган тарзда фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги ҳозирги кунда уни оммавийлаштириб юборди.

Юқоридаги келтирилган сўровнома натижаларидан келиб чиқиб, ёшларда ахборотни саралай олиш, яъни ахборот истеъмоли маданиятини юксак даражага кўтариш учун, энг аввало, ёш йигит-қизларда соғлом эътиқод ва сезгирилик туйгуларини шакллантириш мухим. Маънавий тарбия орқали ёшларда яхши ахлоқ, шижаат, раҳмдиллик ва меҳнатсеварлик сифатлари шаклланади.

Хуллас, ёшларининг жамиятга ижтимоийлашувида ахборот алмашинуви маданиятининг ҳолати ва аҳамияти тўғрисида маълумотларнинг деярли йўқлигини инобатга олган ҳолда, социологик усуслар асосида Ўзбекистонда ёшлар ўртасида ахборот алмашининг ҳозирги аҳволини, унинг асосий турлари ва шакллари, ижтимоий муносабатлар ривожланишига, биринчи навбатда, ёшлар онгига таъсири, ёшлар орасида ахборот алмасиши маданияти шаклланганлигининг реал даражасини баҳолаш, шунингдек ушбу йўналишда олиб борилаётган ишларни кучайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Олий таълим тизимида таҳсил олаётган талабалар орасида ўтказилган социологик тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, талаба ёшлар ўртасида ахборот алмашинуви маданияти у даражада яхши шаклланмаган. Тадқиқот натижаларига асосланиб, мавжуд аҳволни яхшилашга қаратилган қўйидаги таклифларни берамиз:

- талаба ёшлар ўртасида ахборотга нисбатан дунёқарашни шакллантириш методологиясини яратиш;
- ёшларнинг интелектуал салоҳиятини оширишда ахборот саводхонлиги бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиб, узлуксиз таълим тизимига жорий қилиш;
- ахборотлашган жамиятда ахборот алмашинуви тезлашган бир пайтда, интернет мулоқоти бўйича меъёрий ҳужжатларни кўпайтириш;
- ёшларни ахборот ресурсларидан оқилона фойдаланишларида жаҳон илмий ахборот ресурслари тарғиботини кучайтириш.

Фойдаланган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Асамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи газетаси, 20 сентябрь, 2017 йил

2. Чупров В.И., Зубок Ю.А., Певцова Е.А. Молодежь и кризис: Диалектика неопределенности и определенности в социальном развитии. Москва:Русское слово, 2009. – 174 с.